

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими

ЭЛЕКТРОН НАШРЛАР

Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази
Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ
ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича
7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш-
тириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2011 йил 1 ноябрдаги
05-346-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

4 ГОСТ 7.83-2001 ЎРНИГА

Ушбу стандарт амалга киритилиши билан ГОСТ 7.83-2001
стандартининг амал қилиши Ўзбекистон худудида тўхтатилади

5 Ушбу стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон
хужжат айланиши тўғрисида»ги Конунининг нормалари амалга
оширилган

*Ўзбекистон худудида ушбу стандарт ва унга киритилган
ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши)
тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр
этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб
чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт»
агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон
қилинади.*

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон худудида
расмий эълон қилиш мутлақ хукуқига эга

Мундарижа

1	Кўллаш соҳаси	1
2	Норматив ҳаволалар	1
3	Атамалар ва таърифлар	2
4	Электрон нашрлар тушунчаси ва турлари	5
5	Электрон нашрга талаблар, унинг хусусиятлари	6
5.1	Электрон нашрга қўйиладиган талаблар	6
5.2	Электрон нашрнинг хусусиятлари	7
6	Чиқувчи маълумотларнинг таркиби ва жойлашиши	7
6.1	Умумий қоидалар	7
6.2	Чиқувчи маълумотларнинг асосий элементлари	8
6.3	Чиқувчи маълумотларни жойлаштириш	9
6.4	Чиқувчи маълумотлар айrim элементларининг мавжуд бўлиши шартлиги	10
A	илова (маълумот учун) Чиқувчи маълумотларни безатиш намуналари	12
B	илова (маълумот учун) Электрон нашрларга мисоллар	19

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими
ЭЛЕКТРОН НАШРЛАР
Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар**

**Система стандартов по информации, библиотечному и
издательскому делу
ЭЛЕКТРОННЫЕ ИЗДАНИЯ
Основные виды и выходные сведения**

System of standards on information, librarianship and publishing
Electronic editions. Basic types and output information

Киритиш санаси 2012-01-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт электрон нашрларнинг асосий турларини, электрон нашрларда чиқувчи маълумотларнинг таркиби ва жойлаштирилган жойини белгилаб беради.

Стандарт электрон нашрлар ишлаб чиқарувчилари учун мўлжалланган.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қўйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.4-95 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Издания. Выходные сведения

ГОСТ 7.9-95 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Реферат и аннотация. Общие требования

ГОСТ 7.60-2003 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Издания. Основные виды. Термины и определения

O'z DSt 2312:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган хужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган хужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллукли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.4, ГОСТ 7.9, ГОСТ 7.60 бўйича атамалар, шунингдек қуидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 электрон хужжат: Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатни унинг идентификациялашга имкон берувчи бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон хужжат бўлиб ҳисобланади.

3.2 электрон нашр: Ахборот электрон-рақамли шаклда тақдим этилган, таҳририй-нашриёт ишловидан ўтган, чиқувчи маълумотларга эга бўлган, кўп нусхада кўпайтириладиган ва машинада ўқиладиган элтувчиларда тарқатиладиган нашр.

Электрон нашрлар қуидагилар бўйича фарқланади:

- босма эквивалентининг мавжудлиги бўйича

босма нашрнинг электрон ўхшаси: Мос босма нашрни асосан қайта тикловчи электрон нашр (саҳифаларда матннинг жойлашиши, расмлар, ҳаволалар, эслатмалар ва ҳ.к.).

мустакил электрон нашр: Босма ўхшашлари бўлмаган электрон нашр.

- асосий ахборотнинг табиати бўйича

матнли (белгили) электрон нашр: Белгилари бўйича ишлов беришга йўл берувчи шаклда тақдим этилган, асосан матнли ахборотдан иборат бўлган электрон нашр.

тасвирий электрон нашр: Кўриб чиқишига ва босмада қайта чиқаришига йўл қўювчи, лекин белгилари бўйича ишлов беришга йўл қўймайдиган шаклда тақдим этилган, яхлит график моҳият тарзида караладиган объектларнинг асосан электрон образларидан ташкил топган электрон нашр.

Изоҳ - Тасвирий нашрларга факсимиль, шунингдек белгилар бўйича ишлов беришга йўл қўймайдиган форматлардаги матнлар киради.

товушли электрон нашр: Товушли ахборотни фақат зарур техник ва дастурний таъминот мавжуд бўлганда, лекин босма ҳолида қайта тиклаш учун мўлжалланмагандагина уни эшитишга йўл қўядиган шаклда рақамли тақдим этилишига эга бўлган электрон нашр.

дастурний маҳсулот: Дастур ёки дастурлар матнини дастурлаштириш тилида ёки ижро этиладиган код кўринишидаги нашрни ифодаловчи мустакил, ажратиб қўйиладиган асар.

мультимидали электрон нашр: Электрон нашр бўлиб, унда турли табиатдаги ахборот ишлаб чиқарувчи белгилаб берган масалаларни ҳал қилиш учун тенг ҳуқуқли ва ўзаро боғлиқ равишда мавжуд бўлади, шу билан бирга бу ўзаро боғлиқлик тегишли дастурий воситалар билан таъминланган.

- мақсадли вазифаси бўйича

расмий электрон нашр: Давлат органлари, муассасалари, идоралари ёки жамоат ташкилотлари номидан чоп этилувчи, норматив ёки кўрсатма берувчи хусусиятли материалларни ўз ичига олган электрон нашр.

илмий электрон нашр: Назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларга эга электрон нашр, шунингдек нашр этишга илмий жиҳатдан тайёрланган маданият ёдгорликлари ва тарихий хужжатлар.

илмий-оммабоп электрон нашр: Мутахассис бўлмаган ўқувчига тушунарли шаклда баён қилинган, фан, маданият ва техника соҳасидаги назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларга эга электрон нашр.

ишлаб чиқариш-амалий электрон нашр: Ишлаб чиқариш технологияси, техникаси ва уни ташкил этиш бўйича, шунингдек турли малакадаги мутахассисларга мўлжалланган ижтимоий амалиётнинг бошқа соҳалари бўйича маълумотларни ўз ичига олган электрон нашр.

норматив ишлаб чиқариш-амалий электрон нашр: Ишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларида нормалар, қоидалар ва талабларни ўз ичига олган электрон нашр.

ўқув электрон нашр: Ўрганиш ва ўқитиш учун қулай шаклда баён этилган ва ёши ҳамда маълумоти даражаси турли хил бўлган ўқувчиларга мўлжалланган илмий ёки амалий хусусиятли тартибига солинган маълумотларга эга электрон нашр.

оммавий-сиёсий электрон нашр: Ижтимоий-сиёсий мавзудаги, агитация-ташвиқот хусусиятли ва кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган асарни ёки асарлар тўпламини ўз ичига олган электрон нашр.

маълумотнома электрон нашр: Электрон нашрларни тез топиш учун қулай бўлган тартибда жойлаштирилган, бошдан-оёқ ўқиши учун мўлжалланмаган илмий ва амалий хусусиятли қисқа маълумотларга эга электрон нашр.

бўш вақт учун электрон нашр: Турмушни ташкил этиш, ҳаваскорлик ижодиётининг турли шакллари, ҳар хил турдаги қизиқишилар, компьютер ўйинлари бўйича ҳаммабоп маълумотларни ўз ичига олган электрон нашр.

реклама электрон нашр: Маҳсулотлар, хизматлар, тадбирлар тўғрисида уларга талабни яратиш мақсадида диққатни жалб этувчи шаклда баён қилинган маълумотларни ўз ичига олган электрон нашр.

бадиий электрон нашр: Бадиий адабиёт, тасвирий санъат, театр, эстрада ва цирк ижодиёти асарлари, кино асарлари, музей ва маданият соҳасига тааллуқли ва илмий тадқиқотларнинг мазмунидан иборат бўлмаган бошқа ахборотдан иборат электрон нашр.

- *тарқатилиши технологияси бўйича*

маҳаллий электрон нашр: Маҳаллий фойдаланиш учун мўлжалланган ва кўчма машинада ўқиладиган элтувчилик бир хил нусхаларнинг (адади) маълум бир миқдори кўринишида чиқариладиган электрон нашр.

номоддий элтувчи: Нашр тўлиқ ёки бир қисми ёзилган ахборотни узоқ вақт сақлайдиган ҳар қандай электрон восита.

тармоқ электрон нашри: Телекоммуникация тармоқлари орқали имкони бор фойдаланувчиларнинг чексиз доираси фойдаланиши мумкин бўлган электрон нашр.

аралаш тарқатилувчи электрон нашр: Ҳам маҳаллий, ҳам тармоқ нашри сифатида фойдаланиши мумкин бўлган электрон нашр.

электрон китоб: Электрон кўринишида тақдим этилган матнли ахборотни акс эттириш учун мўлжалланган, тор доирада ихтисослаштирилган ихчам планшетли компьютер қурилмалари гуруҳининг умумий номи.

электрон ахборот ташувчи: Катта миқдордаги ахборотни сақлаш учун яратилган кўчма қурилмаларда ахборотни жисмоний тарқатувчи. Уларга электр усули билан бир марта ёки кўп марта ёзиш учун ташувчилар киради: CD-ROM, DVD-ROM, яримўтказгичли (флеш-хотира ва ҳ.к) дисклар.

- *фойдаланувчи ва электрон нашрнинг ўзаро муносабати бўйича*

детерминантланган электрон нашр: Параметрлари, мазмuni ва у билан ўзаро муносабати усули ношир томонидан белгиланган ва фойдаланувчи ўзгартира олмайдиган электрон нашр.

нодетерминантланган (интерактив) электрон нашр: Ношир белгилаб берган алгоритмлар ёрдамида ва ахборот асосида фойдаланувчи томонидан унинг манфаатлари, мақсадлари, тайёргарлик даражаси ва ҳ.к. ларга мувофиқ ўзаро муносабатлар параметрлари, мазмuni ва усули тўғри ёки билвосита ўрнатиладиган электрон нашр.

- *даврийлиги бўйича:*

даврий бўлмаган электрон нашр: Давоми бўлмаган, бир марта чиқадиган электрон нашр.

сернал электрон нашр: Давомийлиги, одатда, рақамланган ва (ёки) санаси ёзилган нашрлар (жилдлар) билан олдиндан белгиланмаган, бир хил сарлавҳага эга бўлган, вақт давомида чиқувчи электрон нашр.

даврий электрон нашр: Маълум вақт оралиқларида, ҳар бир йил учун нашрлар сони доимий бўлган, мазмuni бўйича такрорланмайдиган, бир хил сарлавҳага эга бўлган, рақамланган ва санаси ёзилган нашрлар билан бир хил тарзда расмийлаштирилган сернал электрон нашр.

давом этувчи электрон нашр: Умумий номга эга, бир хил расмийлаштирилган, рақамланган ва санаси ёзилган нашрлар билан, мазмуни такрорланмайдиган, материал тўпланишига кўра номаълум вақт оралиғида чиқариладиган сериал электрон нашр.

янгиланадиган электрон нашр: Бир хил сарлавҳага эга ва мазмуни қисман такрорланувчи, рақамланган ёки санаси ёзилган нашрлар кўринишида маълум ёки номаълум вақт оралиғида чиқувчи электрон нашр. Ҳар бир кейинги нашри қолган барча долзарб ахборотни ўз ичига олади ва аввалгисининг тўлиқ ўрнини босади. Мисол А иловада келтирилган.

- тузилмаси бўйича

бир жилдли электрон нашр: Битта машинада ўқиладиган элтувчида чиқарилган нодаврий электрон нашр.

кўп жилдли электрон нашр: Мазмуни ва безатилиши бўйича ягона бутунни ташкил этувчи, ҳар бири мустақил машинада ўқиладиган элтувчида тақдим этилган, икки ёки ундан ортиқ рақамланган қисмларга эга нодаврий электрон нашр.

электрон серия: Бир хил кўринишда безатилиб чиқариладиган, мўлжал, мавзу, мақсадли ва китобхонга мўлжалланган вазифасининг умумийлиги билан бирлаштирилган жилдлар йиғиндинисини ўз ичига олган сериал электрон нашр.

3.3 электрон босиб чиқариш: Турли хил компонентлардан иборат: матн ва тасвиirlар, товуш, видеоахборот, у ахборотни мазмуни бўйича энг тўғри келадиган муҳитдан фойдаланиб тақдим этиш имконига эга. Электрон босиб чиқаришнинг компонентлари интерактив йўл билан узатилади.

3.4 титул экрани: Электрон нашрнинг биринчи экранларидан бири (ёки маҳсус тизимли экран) бўлиб, чиқувчи маълумотларга эга бўлади.

3.5 минимал тизимли талаблар: Электрон нашрнинг имкониятларини амалга ошириш минимал даражада зарур бўлган техник ва дастурий воситаларга қўйиладиган талаблар.

3.6 бирламчи ўров: Электрон хужжат элтувчиси билан тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган ва уни чангдан ва намдан ҳимоя қилувчи ўраб жойланадиган контейнер (конверт, қути).

3.7 иккиласми ўров: Бирламчи ўровдаги электрон хужжат элтувчиси жойлаштирилган ўраб жойланадиган контейнер (конверт, қути).

4 Электрон нашрлар тушунчаси ва турлари

4.1 Ахборот элтувчига ёзилган ва ўзгартирилмайдиган ҳолда тарқатиш учун мўлжалланган электрон нашр чиқувчи маълумотларга эга бўлиши керак.

Электрон нашрнинг мезони тугалланганлик даражаси ҳисобланади.

Дастлабки маълумотларнинг файлларини оддий териш электрон нашр тушунчасига тааллукли. Дастлабки маълумотлар структураланган, яъни тартибга солинган бўлиши керак. Тугалланган электрон нашр

хусусий тузилмага ва ахборотдан фойдаланиш воситаларига эга. Бу тузилма нашрни лойихалаш босқичида у ёки бу гурухга киритишга ва нашрни тузиш учун энг мақбул технологияни танлаб олишга имкон беради.

4.2 Электрон нашрлар қўйидаги турларга эга бўлиши мумкин:

- илмий журналлар (одатда, журналларнинг бир неча нашридан дастурий пакетлар ва илова қилинган реклама материаллари билан бирга танлаб олинган материаллар);

- ўқув қўлланмалар (чет тилларга ўқитиш, маъruzалар конспектлари, амалий ва лаборатория ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар, реферат ва докладлар матнлари ва бошк.);

- эртак, саргузаштли, адабий-бадиий ва ўргатувчи турдаги мултъимедиа сценарийлари шаклидаги болалар нашрлари;

- бадиий ва илмий-оммавий адабиёт (одатда PDF-шаклида ёки архивлаштирилган шаклда);

- энциклопедик ва маълумотнома нашрлар, баъзида кўп жилдли, шу жумладан аввал нашр этилган энциклопедияларга ўхшаш;

- электрон нашр web-ресурс шаклида бўлиши ёки ахборотни электрон элтувчисида (CD, DVD, flash, Ebook) тарқатилиши мумкин;

- ўзига хос электрон нашрлар (интерактив жаҳон атласи, географик маълумотнома, автомобиль йўллари атласи ва бошк.)

5 Электрон нашрга талаблар, унинг хусусиятлари

5.1 Электрон нашрга қўйиладиган талаблар

5.1.1 Электрон нашр қўйидагиларга эга бўлиши керак:

- халқаро стандарт китоб рақами (International standart book number);
- agar физик элтувчидан фойдаланилаётган бўлса, автоматик ишга тушириш воситалари;

- узоқдан фойдаланиш электрон ресурслари учун навигация тизими.

5.1.2 Тарқатиш усулига кўра барча электрон нашрларни икки гурухга ажратиш мумкин:

- физик элтувчилар;
- тармоқ муҳитларидағи элтувчилар.

Физик элтувчилар – компакт-дисклар, улар ёрдамида электрон босиб чиқарилган маҳсулот фойдаланувчига етказилиши керак. Яна битта физик элтувчи мавжуд бўлиб, унга шахсий компьютер – E-book каби электрон китоблар талаб этилмайди. Мисол В иловада келтирилган (В.2-бўлим).

Тармоқ муҳитларида тарқалувчи элтувчилар ҳам маҳаллий, ҳам глобал бўлиши мумкин. Мисол В иловада келтирилган (В.1-бўлим)

5.1.3 Электрон нашрда формат ахборотнинг файлда тақдим этилишини тавсифлаши керак.

Электрон нашрлар учун учта асосий форматдан фойдаланилади:

- PDF (Portable Document Format) Adobe фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва Post Script хужжатларининг саҳифаларини тавсифлашнинг

маълум бўлган нашриёт форматини ривожлантиришни ва такомиллаштиришни ифодалайди;

- HTML (Hyper Text Markup Language) – сахифаларни белгилаб чиқишининг гиперматнли тили бўлиб, унинг ёрдамида электрон хужжатларнинг катта миқдори яратилган;

- XML (Extensible Markup Language) – маълумотларни тақдим этиш стандарти бўлиб, мустақил иштирокчилар ўртасида ахборот алмашишга мўлжалланган ва ахборотни расмийлаштириш тарзида белгилаб чиқишини эмас, балки тузилмавий белгилашни назарда тутади.

5.1.4 Ушбу нашрнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам тез ўтишлар амалга ошириладиган гиперҳаволаларни нашр қилиш матнида жойлаштириш имконияти. Гиперҳавола ёрдамида муаллиф ёки ношир билан электрон почта орқали боғланиш, ушбу нашрда ҳавола қилинаётган бадиий манбаларни кўриб чиқиш, айрим матн бўлагининг маъносини изоҳловчи тасвирни чиқариш ва бошқа кўпгина ишларни амалга ошириш мумкин.

5.2 Электрон нашрнинг хусусиятлари

5.2.1 Электрон нашрнинг хусусиятлари қўйидагилар ҳисобланади:

а) унинг таркибий қисми элементларининг аралаш хусусияти:

- 1) кўпчилик электрон нашрларнинг асосий қисми хисобланган матнли қисмлари. Бундай нашрнинг бошқача тури бўлиб гиперматнли хужжатлар – маҳсус HTML- форматидаги нашрлар ҳисобланади.

Библиографияловчи муассаса ихтиёри билан матнни график форматда (масалан, PDF форматида) кодлаш мумкин;

- 2) тасвирий материал сахифалар ҳажми чекланмаган рангли материални ўз ичига олади;

- 3) товуш жўрлиги муаллиф матни ёки ремаркаларни, юз бераётган воқеаларни тасвирловчи ва уларнинг тавсифини янада реалистик қилувчи шовқин эфектларини ифодалashi мумкин. Товуш нашрга киритилган видеокадрлар ёки анимацияга синхрон равишда жўр бўлиши мумкин;

- 4) анимация ва видео. Электрон нашрларда компьютер мультиплексияси ёки оддий анимацион файллардан фойдаланилади;

б) номоддий элтувчи. Унинг хусусияти тарқатиш, ўқувчига етказиш усули ҳисобланади.

6 Чиқувчи маълумотларнинг таркиби ва жойлашиши

6.1 Умумий қоидалар

Электрон нашр чиқувчи маълумотларининг таркиби ва жойлашиши электрон нашрнинг тури, физик элтувчилар сони ва безатилишига боғлиқ бўлади.

Электрон нашр ва уни безатиш элементларининг турли хил жойларда жойлаштирилган айнан бир хил маълумотлари орасида фарқ бўлишига йўл қўйилмайди.

Электрон нашрнинг барча ёки бир қатор жилдлари (қисмлари, босиб чиқарилишлари, нашрлари) учун умумий бўлган чиқувчи маълумотлар элементлари, уларнинг келтирилиши шаклида фарқларсиз тақдим этилиши керак.

6.2 Чиқувчи маълумотларнинг асосий элементлари

6.2.1 Чиқувчи маълумотларнинг асосий элементлари қўйидагилар ҳисобланади:

- электрон нашрни яратишида иштирок этган муаллифлар ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар тўғрисида маълумотлар;
- электрон нашрнинг сарлавҳаси;
- сарлавҳа усти маълумотлари;
- сарлавҳа ости маълумотлари;
- чиқувчи маълумотлар;
- чиқариш маълумотлари;
- минимал тизимли талаблар;
- таснифловчи индекслар;
- давлат рўйхатидан ўтган рақами;
- халқаро стандарт рақамлари;
- штрих-кодлар;
- библиографик тавсиф;
- аннотация.

6.2.2 Муаллиф номи, сарлавҳа, сарлавҳа усти маълумотлар, чиқувчи маълумотлар, тасниф индекслари, халқаро стандарт рақамлари, муаллифлик ҳукуқини ҳимоя қилиш белгиси ва штрих-кодлар электрон нашрларда ГОСТ 7.4 билан белгиланган шаклда келтирилади.

6.2.3 Сарлавҳа ости маълумотлар электрон нашрнинг турига боғлик ҳолда ўз ичига қўйидаги маълумотларни олиши мумкин:

- сарлавҳани изоҳловчи;
- асосий ахборот табиати, мақсадли вазифаси, даврийлиги бўйича нашр тури;
- кўп жилдли нашрнинг жилдлари сони, жилд ёки қисмининг тартиб рақами;
- янгиланувчи электрон нашрлар учун янгилаш даври;
- маҳаллий электрон нашрлар учун элтувчининг тури.

6.2.4 Электрон нашрнинг чиқариш маълумотлари ўз ичига қўйидаги маълумотларни олади:

- ноширнинг номи, унинг почта ва электрон манзили, телефоны, тайёрловчининг номи, унинг манзили;
- маълумотлар ҳажми МБ ҳисобида;
- товуш ва видеопарчаларнинг давомийлиги min ҳисобида;

- нашрни комплектлаш (элтувчилар сони, илова қилинган хужжатларнинг мавжудлиги ва х.к);
- адади (маҳаллий электрон нашрлар учун), нашриёт фаолиятига берилган лицензиянинг рақами ва у берилган сана (нодаврий электрон нашрлар учун);
- рўйхатдан ўтган рақами ва рўйхатдан ўтказувчи орган (даврий электрон нашрлар учун).

6.2.5 Минимал тизимли талаблар қуидаги талабларни ўз ичига олади:

- компьютерга (тури, процессор, частота, қаттиқ дискдаги эркин хотира ҳажми, тезкор хотира ҳажми);
- операцион тизимга;
- видеотизимга;
- акустик тизимга;
- зарур қўшимча дастурий таъминотга (электрон нашр таркибига кирмайдиган) ва ускунага.

6.2.6 Электрон нашрнинг давлат рўйхати рақами ваколатли давлат ташкилоти томонидан берилади.

6.2.7 Библиографик тавсиф O‘z DSt 2312га мувофиқ келтирилади.

6.2.8 Аннотация ГОСТ 7.9 га мувофиқ тузилади ва расмийлаштирилади.

6.2.9 Ношир электрон нашр тўғрисида ўз фикрига қўра ушбу электрон нашрнинг жиддий хусусиятларини акс эттирувчи исталган бошқа маълумотларни қўшиши мумкин.

6.2.10 Сериал ва қўп жилдли нашрларда чиқувчи маълумотлар ГОСТ 7.4 талабларига риоя қилган ҳолда келтирилиши керак.

6.2.11 Босма нашрнинг ўхшиши бўлган электрон нашр, хусусий чиқувчи маълумотлардан ташқари, мос босма нашрнинг чиқувчи маълумотларини ҳам ўз ичига олиши керак.

6.2.12 Ўзбекистон Республикаси халқлари тилларида (ўзбек тилидан бошқа) ва чет тилларида чиқувчи электрон нашрларда чиқувчи маълумотлар нашрни яратишда иштирок этган муаллифлар ва шахсларнинг исмларидан ташқари, нафақат нашр матни тилида, балки нашр матни тилини кўрсатган ҳолда ўзбек тилига таржимасида ҳам келтирилади. Исмлар транслитерация шаклида келтирилади. Бу маълумотлар чиқиши маълумотлари юкорисида титул экранида бирламчи ўровнинг ички томонида ва иккиламчи ўровнинг орқа томонида келтирилади.

6.2.13 Ҳар қандай босма нашрга илова тарзида тайёрланган электрон нашрдаги чиқувчи маълумотлар ушбу стандартга мувофиқ расмийлаштирилади.

6.3 Чиқувчи маълумотларни жойлаштириш

Чиқувчи маълумотларни жойлаштиришнинг асосий жойи электрон нашрда титул варағи ўрнини бажарувчи титул экрани ҳисобланади. Титул

экранни ўзаро ўтишлар билан боғланган бир неча қисмдан иборат бўлиши мумкин.

Маҳаллий электрон нашрларда чиқувчи маълумотлар электрон нашрни безатишнинг қуидаги элементларида жойлаштирилади:

- бевосита электрон элтувчидаги бўлган ёрлиқда;
- бирламчи ўровнинг олд, ички ва орқа томонларида;
- иккиламчи ўровнинг олд, орқа ва ён томонларида (агар қалинлиги имкон берса);
- қозог элтувчидаги илова ҳужжатларида. Иккиламчи ўров ва илова ҳужжатлари бўлмаслиги мумкин.

Маҳаллий электрон нашрларда чиқариш маълумотларини ва минимал тизимли талабларни фақат ташқи безак элементларида келтиришга ва электрон нашрнинг титул экранида келтирмасликка йўл қўйилади.

6.4 Чиқувчи маълумотлар айrim элементларининг мавжуд бўлиши шартлиги

Чиқувчи маълумотларнинг айrim элементларини келтириш шартлиги ва уларнинг электрон нашрда жойлаштирилиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Чиқувчи маълумотлар элементлари	Жойлаштириш жойи				
	Титул экранни	Эл-тuvчи ёрлиғи	Бирламчи ўров	Иккиламчи ўров	Алоҳида нашр этилган илова ҳужжатлари
Электрон нашрни яратишда иштирок этган муаллифлар ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар тўғрисида маълумотлар	M	M	M	M	M
Сарлавҳа	M	M	M	M	M
Сарлавҳа устидаги маълумотлар	Φ	Φ	Φ	Φ	Φ
Сарлавҳа остидаги маълумотлар	Φ	Φ	Φ	Φ	Φ
Чиқувчи маълумотлар	M	M	M	M	M
Чиқариш маълумотлари	Φ	KM	M	M	KM
Минимал тизимли талаблар	Φ	Φ	M	M	M

1-жадвалнинг охири

Чиқувчи маълумотлар элементлари	Жойлаштириш жойи				
	Титул экранни	Эл-түвчи ёрлиғи	Бир-ламчи ўров	Икки ламчи ўров	Алоҳида нашр этилган илова хужжатлари
Таснифловчи индекслар, давлат рўйхатидан ўтган рақам, халқаро стандарт рақамлари	Φ	Φ	Φ	Φ	Φ
Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш белгилари	M	M	M	M	M
Штрих-код	KM	Φ	Φ	Φ	KM
Библиографик тавсиф	Φ	KM	Φ	M	Φ
Аннотация	Φ	KM	Φ	M	Φ

Эслатма – M ҳарфи элемент мажбурий келтирилишини, Φ – факультатив тарзда, KM – элемент келтрилмаслигини англатади.

А илова
(маълумот учун)

Чиқувчи маълумотларни безатиш намуналари

A.1 Аралаш тарқатиладиган электрон нашр


Электрон нашр CD-ROM ёки DVD-ROMда, ичига ўрнатилган дастурий таъминот билан чиқарилади.

Чиқувчи маълумотлар титул экранида (A.1.1-расм), элтувчи ёрлигига (A.1.2-расм) ва элтувчи бирламчи ўровининг олд, ички ва орқа томонларида жойлаштирилади (A.1.3-расм).


Иккиламчи ўров бўлмайди.

<i>I-қисм</i>	<i>2-қисм</i>
<p>С.Мирзаев XX аср ўзбек адабиёти</p> <p>2010</p> <p><i>Монография</i></p> <p>Тошкент SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурӯҳи 2010</p>	<p>Исталган шаклда кўпайтириш ва тарқатишга барча хукуклар ишлаб чиқувчида қолади. Ушбу маҳсулотдан яширин нусха олиш ва фойдаланиш тақиқланади.</p> <p><i>Муаллифлар:</i> С.Мирзаев; А.П.Сазонов (дизайн ва дискни безатиш)</p> <p>http://www.smi-asia.ru</p> <p>© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурӯҳи, 2010</p>

A.1.1-расм. Титул экрани



A.1.2-расм. Элтувчининг ёрлиги



а) бирламчи ўровнинг олд томони

Монография битта DVD-ROM дискда етказиб берилади ва маҳаллий ҳамда тармоқ режимларида фойдаланилиши мумкин. Тизим ҳисоблаши тармогининг серверларидан бирида ўрнатилган ҳолда, ундан бир неча фойдаланувчининг бир вақтда кириши таъминланади.

Монографияни ўрнатиш учун қуийдаги амалларни бажаринг:

()

Муаллиф: С. Мирзаев

Дав. рўйхатидан ўтказиш рақами

© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти
гурухи, 2010

b) бирламчи ўровнинг ички томони

Монографияда XX аср ўзбек адабиёти ривожланишининг умумий қонуниятлари шу давр ижтимоий-маданий вазияти контекстидаги тадқиқ этилади. Ўзбек адабиётининг Бехбудий, Айний, Фитрат, Хамза, А.Қодирий, Чўлпон, Г.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода, Х.Олимжон, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, У.Хошимов, Х.Султон каби йирик намоёндаларининг ижодий портретлари билан тўлдирилган унинг ривожланишининг асосий босқичлари тақдим этилган.

Техник талаблар:

Маҳаллий тарқатиш учун:

()

Тармоқда тарқатиш учун

()

<http://www.smi-asia.ru>

c) бирламчи ўровнинг орка томони

А.1.3-расм. Бирламчи ўровнинг чиқувчи маълумотлари

A.2 CD-ROM ва DVD-ROM да чиқариладиган серияга кирувчи босма нашрнинг электрон аналоги

Чиқувчи маълумотлар титул экранида (A.2.1-расм), элтувчи ёрлиғида (A.2.2-расм), бирламчи (A.2.3-расм) ва иккиламчи (A.2.4-расм) ўровнинг олд, ички ва орқа томонларида жойлаштирилади.

Иккиламчи ўровнинг ён томонлари A.2.5-расмда келтирилган.

1-қисм	2-қисм
<p>А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллый кутубхонаси фондларидан</p> <p style="text-align: center;">Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати Бадий альбом</p> <p style="text-align: center;"><i>Бадий электрон нашр</i></p> <p style="text-align: center;">Тошкент © SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи, 2009</p>	<p>Босма нашрнинг электрон аналоги: Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати. Бадий альбом:- Тошкент: Ўзбекистон, 2009</p> <p style="text-align: center;">SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ http://www.smi-asia.ru</p> <p style="text-align: center;">© А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллый кутубхонаси, 2009 © SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи</p>

A.2.1-расм. Титул варағи



A.2.2-расм. Элтувчи ёрлиғи

А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси фондларидан

**Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати
Бадиий альбом**

Компакт-дискдаги бадиий электрон нашр

(штрих-код)

Тошкент
© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи
2009

а) бирламчи ўровнинг олд томони

**Босма нашрнинг электрон аналоги:
Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати. Бадиий альбом
Тошкент: Ўзбекистон, 2009**

106,5 Мб

1 та оптик компакт-диск

Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати. Бадиий альбом
[Электрон ресурс]/ А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, «SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ» - Электрон матн бер. (106,5)-M: SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи, 2009- 1 та оптик компакт-диск (CD-ROM) – (А.Навоий номидаги миллий кутубхона фондларидан) – Тизим. талаблар: PC Pentium 1 классидан паст эмас; 32 Mb RAM; HDD да бўш жой 16 Mb; Windows 95/98; Adobe Acrobat Reader; дисковод DVD-ROM 2 та ва ундан юқори; Тит. экранидан сарлав.- Босма нашр олинган 2009 й. - Электрон матнни «SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ» тайёрлаган.

© А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009
© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи

б) бирламчи ўровнинг ички томони

Тизимли талаблар:
PC Pentium 1 классидан паст эмас;
32 Mb RAM; HDD да бўш жой 16 Mb;
Windows 95/98;
Adobe Acrobat Reader;
дисковод DVD-ROM 2 ва ундан юқори;
сичк.

SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ
<http://www.smi-asia.ru>

с) бирламчи ўровнинг орқа томони

A.2.3- расм. Бирламчи ўровнинг чиқувчи маълумотлари

А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллый кутубхонаси фонdlаридан.

**Ўзбек халқ декоратив-амалий санъати
Бадиий альбом**

Компакт дискдаги бадиий нашр

(штрих-код)

Тошкент
© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гурухи, 2009

а) иккиламчи ўровнинг олд томони

(Нашр аннотацияси)

Ушбу альбом заргарлик безакларини тайёрлаш ва металлга нақш ишлаш қадимги шарқ санъатига багишланган. Кенг форматли рангли тасвирлар Ўзбекистон хунармандлари яратган металл идишларнинг (кумғон, самовар, лаганлар ва бош.), совук қуролларнинг, кутичалар ва заргарлик безакларининг кенг коллекциясини ифодалайди. Унда XIX-XX аср бошидаги музей фондларидан олинган ноёб буюмлар, шунингдек Ўзбекистоннинг ҳозирги замон хунармандчилик мактабининг энг яхши намуналари мавжуд.

Тизимли талааблар:

**PC Pentium 1 классидан паст эмас;
32 Mb RAM; HDD да бўш жой 16 Mb;
Windows 95/98; Adobe Acrobat Reader;
дисковод DVD-ROM 2 ва ундан юқори;
сичқ.**

b) иккиламчи ўровнинг орқа томони

A.2.4-расм. Иккиламчи ўровнинг чиқувчи маълумотлари

1

© А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009
© SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ нашриёти гуруҳи

(Штрих-код)

2

SMI-ASIA/СМИ-АЗИЯ
<http://www.smi-asia.ru>

A.2.5-расм. Иккиламчи ўровнинг ён томонлари

В илова
(маълумот учун)

Электрон нашрларга мисоллар

**В.1 Босма аналогига эга бўлган узоқдан фойдаланиладиган
электрон нашрлар**

Мисоллар
«Kitibxonasi.uz» электрон журнали
*РФА Социология институти сайтида СДда социология бўйича
илмий нашрлар*
*Универсал электрон кутубхона. Талабалар ва ўқувчилар учун
таълим нашрлари*
*Социологиядан интерактив масалалар тўплами билан электрон
нашр форматида ўқув қўлланма (демо-версияси бор)*
Статистик тўплам

**В.2 Китоб ўқиши учун қурилмада электрон кутубхонанинг
электрон нашрлари**

Мисоллар
*Электрон китоб – Мактаб ўқувчиси кутубхонаси (унга ўрта
мактаблар учун матнли, аудио видеоматериалда барча ўқув
материаллари ва дарсликлар киради)*
«Электрон кутубхона» деб аталувчи ҳар қандай матнли нашрлар

Асосий сўзлар: электрон нашрлар, нашрларнинг турлари, чиқувчи маълумотлар, чиқариш маълумотлари, тизимли талаблар, жойлаштириш, титул экрани, безатиш элементлари, ёрлик, бирламчи ўров, иккиламчи ўров

«UNICON.UZ» ДУК
директор ўринбосари

Ж. Максудов

«UNICON.UZ» ДУК
Стандартлаштириш таянч
ташкилоти бошлиғи

Е. Синяшина

«UNICON.UZ» ДУК
Стандартлаштириш таянч
ташкилоти II тоифали мұхандиси

Ш. Эльчиева

Республика ахборот-кутубхона
маркази бош мутахассиси

О. Рустамова

А. Навоий номидаги Ўзбекистон
миллий кутубхонаси илмий иши
бўйича директор ўринбосари

И. Маминова

Норма назорати

М. Комилова

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Ахборот ресурслари ва ахборот
тизимлари бўлими бошлиғи

Ш. Хабибуллаҳўжа
2011 йил 27 августдаги
18-8/3621-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
Фундаментал кутубхонаси
директори

З. Бердиева
2011 йил 23 августдаги
1/99-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи

Ш. Атамухамедов
2011 йил 24 августдаги
32-12/1016-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

Тошкент давлат техника
университети Ахборот-ресурс
маркази директори

Ф. Балтаханова
2011 йил 18 августдаги
01/9-14-998-сон хати